

17.00.02 – “Музиқа санъати” ихтисослиги бўйича
малакавий имтихон
ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси
Риестринг 2018 йил “28” 02.N250/4 сонли қарори билан тасдиқланган

Тошкент- 2018

Дастурни тузувчилар:

С.ф.д., проф. Р.Абдуллаев. “Муסיкий шарқшунослик” кафедраси.

С.ф.д., проф. О.Азимова. “Муסיқа назарияси” кафедраси.

С.ф.н., доцент С.Қосимхўжаева “Муסיқа тарихи ва танқиди” кафедраси.

С.ф.н., доцент С.Бегматов. “Муסיкий шарқшунослик” кафедраси.

КИРИШ

Дастур 17.00.02 – “Муסיқа санъати” ихтисослик паспорти асосида ишлаб чиқилган.

Дастурга хронологик, тарихий, назарий мавзулар билан бир қаторда, кўпроқ **муаммолар** тамойилига йўналтирилган саволлар киритилган.

Шу мақсадда, устувор лейт фикр сифатида деярли барча саволлар – ўзбек муסיқа мероси, ХХ аср Ўзбекистон муסיқаси – жаҳон муסיқа маданиятининг таркибий бир қисми эканлиги уқтириб борилади. Унда ХХ аср жаҳон муסיқашунослиги ривожига оид илмий-тарихий маълумотлар, масалаларнинг таҳлилий кузатувлари ва хулосалари асосий ўрин эгаллайди. Босқичма-босқич муסיқий-тарихий, муסיқий-назарий, муסיқий шарқшунослик, муסיқий-танқид каби йўналишларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқилади. Зеро, муסיқа илми йўналишида тадқиқотлар олиб бориш учун бир қатор билим ва кўникмаларга эга бўлиш зарур. Ўзбек мумтоз муסיқа санъатининг манбаъшунослиги, мерос, ижодиёт, ижрочилик, таълим мезонларини ўтмиш ва замонавийлик кесимида тадқиқ этиш. Ўзбек муסיқий фольклори ва уларнинг миллий анъаналари, қадриятлари, жанр ва намуналарини ўрганиш ва ривожлантириш, замонавий муסיқа ижодиётига таъсирини таҳлил этиш. Шарқ халқлари мумтоз муסיқа маданиятини ўтмиш ва замонавийлик кесимида ўрганиш, муסיқа тафаккур, анъана, ижод ва ижрочилик масалаларини алоҳида ва қиёсий ўрганиш. Муסיқий таълим масалалари: узлуксиз таълим тизими ва муаммолари; тарихий, назарий ва амалий жараёнларнинг қамрови ва ривожлантириш мезонлари, янги педагогик технологияларни жорий этиш; таълим тизимини умумбушарий андозаларга мослиги ва ўзига хослиги. Композиторлик ижодиёти: жаҳон халқлари муסיқа ижодиёти, ўзбек композиторлик мактаблари ва намояндалари, муסיқий тарихий, назарий ва амалий мезонларини ўрганиш. Мустақиллик даври ва Ўзбекистон муסיқа маданияти: ривожланиш мезонлари, маданиятлар таъсири, янги авлод тарбияси ва уларнинг устувор

йўналишлари, жаҳон халқлари мусиқа санъатидаги янги жараёнларни таҳлил эта олиш шулар жумласидандир.

I. Мусиқа назарияси

Замонавий гармония

“Замонавий гармония”нинг манбалари ва асосий қоидалари.

Замонавий мусиқада вертикалнинг тузилиши. Гармоник тузулмаларнинг асосий турлари: аккорд ва сонор; полимелодик аккордлар. Замонавий аккорднинг тузилиши тамойиллари.

Аккордларнинг таснифи. Моно ва полиаккордлар.

Лад ва товушқатор тизими. XX аср мусиқасида лад ва товушқатор тизимининг кенгайиши ва бойитилиши. Кенгайиш йўллари. Лад ва товушқатор тизимининг таснифлаш асослари. Қатъий диатоника, кенгайтирилган диатоника, қатъий хроматика, эркин хроматика. Ладнинг шаклланиш хусусиятлари ва ифодали имкониятлари.

Тоналлик. Тоналлик тушунчасининг эволюцияси: “тоналлик” тушунчасининг маъновий ҳажми камайиши. Тонал структураларнинг таснифланиши (товушқаторлар ва ички тузилиши нуқтаи назаридан).

Функционал тизим. Унинг товуш таркиби билан тааллуқлиги, функционал дифференциациясининг турли даражаллиги; икки асосий функция мавжудлиги – Т ва нотаника; тонал марказининг таърифи, функцияларнинг ўзаро алоқалари. Политоналлик: шаклланиш шароитлари ва асосий кўринишлари.

Атоналлик: таъриф, гармоник асоси, мавзулар.

Додекафония: серия, унинг турлари ва ривожланиши, баён этиш йўллари

Замонавий полифония

XX аср полифонияси масалалари .XX сарда полифониянинг ривож, унинг сабаби. Полифоник услубларнинг хилма-хиллиги, полифоник шаклларнинг янгиланиши, гомофоник шаклларга таъсири. Полифониянинг

мазмун, ифодавий, шакллантирувчи имкониятлари. XX-XXI асрларда композиторлар томонидан полифоник аъаналарнинг ривожлантирилиши, янги хилдаги мавзувийлик, полифоник усуллар, шаклларнинг ишлатилиши.

Д.Шостакович ижодида полифония. Мавзувийлик, ривож принциплари, шакллар сощасида аъаналарнинг ривож ва янгиланиши. Шостаковичнинг соната-симфоник туркумлари (симфониялар, квартетлар)да полифоник шакллар.

Р.Щедриннинг полифоник туркумлари «24 прелюдия ва фуга», «Полифоник дафтар».

Замонавий композиторлар ижодида кичик полифоник туркум. Қисмлар муносабати, туркумларнинг турлари.

И.Стравинскийнинг полифоник тафаккури хусусиятлари. Мавзувийлик, унинг турлари – мелодик – айтими, тембр-ритмик, сонор, унинг ривож принциплари. «Рус» даври асарларида И.Стравинский полифонияси. Мавзувийлик, материалнинг экспозицион баени – полифоник вариациявийлик, остинатовийлик, овозости полифониясининг фаол ишлатилиши. Фактура ва шаклландувада остинато ва полиостинатовийликнинг ўрни. Контрапункт техникасининг хусусиятлари. Хал полифониясининг кўлланилиши.

Ўрта аср («неоклассик») ижодиети асарларида полифония. Фуганинг классик принциплари ўзгарувчанлиги.

Кечки давр ижодиетининг полифоник техникаси. Замонавий тизимлар (серия, додекафония) шароитида аъанавий полифоник шакллар. Стравинскийнинг замонавий рассомларга кўрсатган таъсири.

Хиндемитнинг ижодида полифоник шакллар. «Лудус тоналис» полифоник туркуми.

Б.Бартокнинг ижодида полифоник шакллар ва принциплар. Полифонияда халқчил-қўшиқ кўповозлиги принципларининг акс этиши. Б.Бартокнинг соната шаклларида полифоник ривож. Мавзувийлик, полифоник ривож усуллари. Вариант-полифоник ривожнинг имитацион ва

ноимитацион усуллари. Мураккаб контрапункт, катламлар полифонияси, оркестр полифонияси.

В.Лютовскийнинг оркестр полифониясининг айрим хусусиятлари. Полифония ва гармониянинг ўзаро муносабати. «Ад либитум» жамоавий ижросида полифониянинг янги тури.

Ўзбекистон композиторлари ижодида полифония.. Ривожланиш даврлари.

Ўзбекистон композиторлари асарларида полифоник усуллар. Полифоник имкониятлар жиҳатидан монодик намуналарнинг таҳлили. Халқ мусикасининг чолғу ва вокал-чолғу ансамбли шаклларида полифонияга асосланиш. Полифоник усуллар, европа намуналари билан таққослаган ҳолда уларнинг ишлатилишида умумий ва яқка хусусиятларнинг намоён бўлиши.

Ўзбекистон композиторлари асарларида полифоник шакллар. Фуга – мавзувийлик, миллий асос билан шартланган специфик хусусиятлари; жавобларнинг тузилмасидаги асосий хусусиятлар, қарама-қарши тузилмаларнинг турлари; фуганинг шаклланиши, фактура, кенгайтириш жараёнлари ва шаклда миллий хусусиятларнинг намоён бўлиши.

Остинато-полифоник вариациялар. Ўзбек халқининг меросида остинатовийликка асосланиш шартлари. Турли жанрларда полифоник шаклларнинг ўз вазифасини бажариши: прелюдия-фуга, камер-чолғу, соната-симфоник.

Ўзбекистон композиторлари асарларида полифониялашган шакллар. Ушбу шаклларнинг тушунчаси, уларнинг таснифи – муфассал, вариант-полифоник, остинато-вариант. Уларда монолиявий ва полифоник тафаккур принципларининг ўзаро таъсири.

Ўзбекистон композиторлари ижодида синтетик шакллар. – Ҳар хил тафаккур принципларининг ўзаро таъсирига асосланган шакллар: фугасимонлик ва остинатовийлик; сонатавийлик ва фугасимонлик .

XX аср мусиқа шакли

Композиторлик ижодиётининг услуб, мусиқий тил, жанр ва шаклларига нисбатан XX-XXI аср мусиқасининг умумий тавсифи.

Илк тарихий даврлардан мусиқага кириб келган мусиқа шакллари: анъанавий шакллар, уларнинг XX асрнинг бошқа шакллари орасидаги ўрни.

Ўзгарган шакллар: сабаблар ва анъанавий шакллардан келиб чиққан ўзгаришлар йўналиши.

Янги ва эски даврлар орасидаги оралиқ шакллар (тембр еки ритмик мавзувийлик сингари нисбатан «янги» ифода воситаларининг ишлатилиши); дастурий ва амалийликнинг «такдим этувчи» жанрларнинг мусиқага таъсири.

XX-XXI аср мусиқасида янги ноанъанавий шакллар. «Плюрализм – бизнинг давр санъатида етакчи тамойил».

Муаллифларнинг қўллаётган «технология»лари бўйича композиторлик ижодиетини даврлаштириш имконияти: «янги фольклор тўлқини», мусиқий тил тузилмаларининг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда «мавзувийликнинг янги турлари», товуш чиқаришнинг янги тизим ва усуллари.

Компьютер мусиқаси – статистик (стохастик) шакллар, мусиқий матонинг «зичлиги» тушунчаси; «фрактал» шакллар ва уларнинг турлари; «формулавий» қонуниятларга асосланган шакллар (шу муносабат билан бир қатор анъанавий атамаларнинг мазмунан тўлиши, масалан, имитация).XX аср «йирик» шакллари турли усулларининг ташкиллашуви.

II. Мусиқа тарихи

Мусиқанинг келиб чиқиши. Бирламчи синкретизм. Мусиқанинг ҳаётдаги ўрни. Мусиқанинг космик, теософик, философик ва социал қарашлар билан боғлиқлиги. Санъатнинг ривожланишида антик маданиятнинг аҳамияти. Грек афсоналари. Гомер эпоси, қадимги грек трагедиялари. Эллин мусиқа маданияти.

Ўрта асрлар универсализм даври сифатида. Жамият ҳаётида диннинг аҳамияти. Григориан хорали ва унинг Европа мусиқасининг шаклланишидаги роли. Шаҳарларнинг ҳар маданиятининг

ривожланиши. Византия мусика маданияти. Англия, Франция, Голландия, Италия, Испания, Чехия ва Полшада миллий полифоник мактабларнинг шаклланиши.

Мадригал санъатининг гуллаб-яшнаши. Инструментал ва уй музикасининг ривожланиши.

Классицизм ва барокко. Операнинг тарқалиши ва унинг музикаий-социал аҳамияти. Италия ва Франция музикаси – жанр ривожланишидаги икки йўналиш сифатида. Инструментал музика ривожланишидаги янги тамойиллар. Шютц, Гендель, Телеман, Перселл ижодий ғоялари ва уларнинг музика санъати ривожланишидаги аҳамияти.

Бах ижоди тугаллик ва изланиш сифатида. Бах даҳосининг тарихий аҳамияти. Концерт ҳаётининг гуллаб-яшнаши. Оркестрнинг ривожланиши. Буюк Вена бастакорлари: Гайдн, Глюк, Моцарт, Бетховен.

Романтизм даври музикасининг муаммолари. Романтизм – миллий бастакорлик мактаблари ривожланишига туртки сифатида. Романтик санъатнинг қарама-қаршиликлари.

Италия романтизмнинг ўзига хослиги. XIX аср бастакорлари ижодида романтизм ғояларининг акс этиши. Романтиклар ижодида асосий музикаий шаклларнинг ривожланиши.

Вагнер ва Верди музикаий театрларида реформаторлик ғоялари. Улар эстетик принципларининг чуқур фарқланиши. Вагнер ва Верди ижодий меросининг тақдири.

Брамс, Брукнер, Вольф, Рeger ижодларида янги романтик тамойиллар ва улар ижодларининг замонавий музикага таъсири. XIX асрда Француз музика маданиятининг ривожланиши. Музикаий театр жанрларининг гуллаб-яшнаши. Инструментал музиканинг ривожланиш йўллари. Чех музика мактабининг шаклланиши. Шимолӣ музика мактаблари. Испан музика мактабининг ривожланиши. Модернизмнинг тасифномаси.

Франция санъати ижодий йўналишлари. Дебюсси ва Равель ижодларининг эстетик принциплари. Австрия экспрессионизми – санъатдаги маънавий ҳаракат сифатида. Янги Вена мактаби. Шеберг, Берг, Веберн ижодларининг эстетик принциплари. Авангарднинг ривожланишида додекафон тизимининг роли. Мусиқий неоклассицизм – замонавий санъатнинг асосий йўналишларидан бири сифатида. Универсал кўриниш сифатида Стравинский ижоди.

Германиядаги турли хил ижодий йўналишларнинг Р. Штраус ижоди замонавий ҳаёт қарама-қарши кўринишларининг акс этиши сифатида. Брехт ғояларининг Хиндемит, Эйслер, Вайл, Дессау ижодларига таъсири. Штокхаузен, Кагель, Рим ижодларида постмодернизм тамойиллари. Дессау, Хенце, Кунада мусиқий театрлари.

Италия мусиқаси ривожда янги тамойиллар. XX аср мусиқий театрига Пучинни ижодий ғояларининг таъсири. Пучинни мусиқасида – Шарқ. Респиги, Пиццетти, Казелла, Даллапиколла ижодларида неоклассик тамойиллар. Италия авангарди намояндалари: Ноно, Берно, Дзафред. Маннино, Рота киномусиқаси.

Француз мусиқа маданияти. «Олтилик» гуруҳининг антиромантик ва антиимпрессионистик йўналиши. «Ёш Франция» ижодий уюшмаси. Мессиян ижодининг диний-пантеистик асослари. Француз бастакорлари ижодида Шарқнинг роли. Ксенакис ва Булез ижодида авангардистик тамойиллар. XX аср испан мусиқасининг ривожланиш йўллари. М. де Фалья ижодида миллий анъаналарнинг қайта тикланиши. Шимолий Европа давлатлари мусиқа маданияти. Сибелиус ва Нильсен симфонизмининг ўзига хослиги. Янги инглиз мусиқа мактаби ва унинг намояндалари: Элгар, ваон-Уильямс, Банток, Типпет, Скотт, Холст ижодларида ориентал тамойиллар. XX аср инглиз мусиқаси ривожда Бриттен ижодининг аҳамияти.

Шимолий, Марказий, ва Жанубий Америка: Канада, АҚШ, Мексика, Куба, Аргентина. АҚШ миллий мусиқа маданиятининг шаклланиши ва ривожининг ўзига хослиги. Мак-Доуэлл, Айвз, Гершвин, Копленд, Бернстайнларнинг америка мусиқасига қўшган хиссалари. Америка джазининг ривожланиш йўллари. Мюзиклнинг вужудга келиши. Лотин Америкаси мусиқий маданияти: Э. Вила Лобос, А. Хинастер, К. Чавес.

Шарқий Европа давлатлари мусиқаси

Миллий бастакорлик мактаблари шаклланиш жараёнларининг умумийлиги. Миллий доктриналар ва новаторлик изланишлари. Миллий мусиқий анъаналарнинг ривожланиши ва бастакорлик ёзувининг замонавий техникасини ўзлаштириш. Владигеров, Кутев, Големинов, Пипков ижодларида болгар фольклорининг акс этиши. Ёш бастакорлик мактаблари учун Барток ижодий ғояларининг аҳамияти. Кодаи ижодининг эстетик принциплари. Соколаи мусиқий театри. Польша бастакорлик мактабининг бадиий тажрибаси: Карлович, Шимановский, Лютославский, Бацевич, Пендерецкий, Гурецкий. Энеску, Бентою ижодида румин миллий анъаналарининг акс этиши. Словак бастакорлари, Яначек, Мартина, Сухоня, Мойзес, Циккерларнинг эстетик принциплари. Югославия халқлари мусиқасининг ривожланиш йўллари. Сербия, Черногория мусиқасига Шарқнинг, Хорватия ва Словения мусиқасига Ғарбнинг таъсири.

Узоқ Шарқ мусиқаси

Япония, Корея, Хитой. Мумтоз анъаналарнинг замонавий ҳаёти. Узоқ Шарқ мусиқасига Европа ва Америка мусиқасининг таъсири.

Жануби-Шарқ ва Ҳинд ярим ороли мусиқаси. Вьетнам, Ҳиндистон, Покистон, Индонезия. Оғзаки анъаналарга асосланган профессионал мусиқанинг миллий мумтоз мероснинг шаклланишидаги роли. Мусиқий ижоднинг синкретизми.

III. Мусиқий шарқшунослик

Қадимий давр

Қадимий давр ва илк Ўрта аср Марказий Осиё халқлари мусиқий манбалари. Уларни илмий таснифлаш ва ҳозирга қадар ўрганилиш даражаси.

Араб ёзувидаги мусиқий манбаларнинг пайдо бўлиши ва Ўрта Осиё минтақалари бўйлаб тарқалиши.

Форс тилида мусиқий манбаларнинг пайдо бўлиши ва Ўрта Осиё минтақалари бўйлаб тарқалиши.

VIII – X асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаларида яратилган мусиқий-назарий рисолалар. Уларда баҳс этилган асосий тарихий, назарий ва фалсафий-эстетик масалалар.

Шарқ манбашунослиги

Шарқда ўзига хос муסיқа фанининг яратилишига асос бўлган сабаблар ва манбалар. Абу Наср Форобий (873-950), Абу Али ибн Сино (980-1027) ва Ибн Зайла (вафоти 1049) илмий ишларининг яратилиши, тарихий, илмий ва амалий аҳамияти.

Комусий илмий рисолаларда ўзининг мукамал ифодасини топган мусиқий масалалар.

Абу Абдулло Хоразмий (X аср) ва унинг “Илмлар калити” қомусий асари. Унда баён этилган мусиқий маълумотларнинг шарҳи.

Ихвону-с- Сафо мусиқий рисолалари.

Абул Фараж Исфаҳоний (897-967) ва унинг машҳур “Қўшиқлар китоби”. Асосий мазмуни ва аҳамияти.

Сафиуддин Урмавий (1216-1294), Қутбиддин Шерозий (1236-1310), Маҳмуд Амулий (вафоти 1349) муסיқага доир илмий рисолалари.

Темурийлар даври муסיқа маданияти бўйича асосий манбалар. Хожа Абдулқодир Мароғий (1363 - 1434) ва бошқалар.

Алишер Навоий даврида ва унинг раҳнамолигида яратилган мусиқий-назарий рисолалар ва уларнинг ҳозирги замон шарҳлари. А.Жомийнинг «Рисолаи мусиқий» асари.

Нажмиддин Кавкабий (XVI аср) ва Дарвеш Али Чангий (XVII аср) мусиқий рисолалари.

Бухорода Шашмақом туркумининг узил-кесил шаклланишига доир ишончли ёзма манбалар.

Хоразм мақомлари туркумининг узил-кесил шаклланишига доир асосий манбалар.

XIX асрда Ўрта Осиёда яратилган баёз ва куллиётларга изоҳлар. Уларнинг мавзулари, эндиликда манба сифатида қўлланилиши.

Манбашунослик

Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари мусиқа манбашунослигининг йирик намояндаларидан Ш.Фармер, ДЭрланже, З.Юсуф, А.Хашаба, М.Баркашли, И.Ражабов, А.Назаров ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари.

Ўзбекистон мусиқий манбашунослигида амалга оширилган янги тадқиқотлар ва устувор режалар.

Мақомларнинг тарихий шаклланиши ва ривожланиш жараёни

Мақомларнинг илк шаклланиш даври. Марказий Осиё минтақасида шаҳар маданияти узил-кесил вужудга келиши, касбий мусиқанинг мезонлари.

Минтақавий ҳамда халқаро алоқалар ривож топиши. «Буюк ипак йўли»нинг аҳамияти. Муайян даврларга келиб маҳаллий-ҳудудий бастакорлик ижодиёти анъаналари пешқадам ўрин тутиши

Шарқ халқлари мақомоти «ислом ва мусиқа» муаммоси кесимида. Тасаввуф таълимоти ва мақомнинг эстетик тамойиллари. Мақомда шаклу шамойил масалалари.

«12 мақом» тизими ва унинг назарий тамойиллари. Мусиқий амалиёт ва назария нисбатлари. Умумшарқ «12 мақом тизими»нинг инқирозга юз тутиши. Унинг негизида миллий-маҳаллий мақам, мақом, муқом, муғом, дастгоҳ кабиларнинг шаклланиши. “Ўн икки мақом” тизими ва “Шашмақом” туркуми. Шашмақомнинг мусиқий-назарий тизим сифатида ўрганилиши масаласига доир.

Шарқ халқлари мақомларининг умумназарий масалалари

Араб мақамлари, турк мақамлари, уйғур муқомлари, туркман муқомлари, озарбайжон муқомлари, эрон дастгоҳлари, шунингдек, хинд рагалари ва ҳ.к. нинг назарий ўрганилиш даражаси.

Мақомларнинг синтетик ва қомусий сифатлари. Барқарор ва бекарор тамойиллар, ифода воситалар тизими, услубий йўналишлар.

Мақомларнинг парда, вазн, усул ва шакл масалалари.

Шарқ халқлари мақомларида шеърят ва мусиқа муносабатлари.

XX аср анъанавий ижрочилиги

Манбалар асосида анъанавий ижрочилик шаклланиш тарихи ва ривожланиши. XX асрда анъанавий ижрочилик – оғзаки анъанадаги касбий мусиқада санъат, фан, психологик омил ва бошқалар сифатида.

Анъанавий ижрочилик жанрлари

Жанрлари турфалиги, жанрларнинг устивор фарқлари ва умумийликлари; ривожланиш босқичлари;

Ижрочилик мактаблари

Турли ижрочилик мактабларининг пайдо бўлиши. XX аср ижрочилик тамойиллари, уларнинг хилма-хиллиги. Минтақавий ижрочилик мактаблари, уларнинг ўзаро таъсири.

Замонавий ижрочилик

Замонавий санъат усталарининг ижрочилик йўлларини аҳамияти. Ўқитиш ва ижодиёт муаммолари. Мазкур йўналишни тараққиётида “устоз-шоғирд” тамойили ва турли конкурсларнинг аҳамияти.

Ўзбекистон мусиқа маданияти

XX аср ва сўнгги йилларда МДХ доирасида, жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг ўрни, обрўи. Давлатимиз БМТ, ЮНЕСКО аъзоси ва бунинг самаралари: Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Аҳмад Фарғоний ва бошқа

алломалар, Бухоро, Хива шаҳарларининг юбилейлари, «Шарқ тароналари», «Илҳом-XX» замонавий мусиқа фестиваллари, Халқаро симфоник мусиқа фестивали каби халқаро **анжуманлар**, буларга оид нашрларда мусиқа санъати.

Ўзбекистон мусиқа маданиятининг XX аср биринчи ярми, учинчи ва тўртинчи чорагидаги тараққиёти: ибрат ва сабоқлар. Ҳозирги кунда мавжуд ижодий йўналишлар – фольклор, мумтоз мерос, бастакорлар ва композиторлар ижодиёти. **Мусиқа таълими** масалалари. Ўзбекистон мусиқашунослиги ва унинг Марказий Осиё, собиқ Иттифоқ ва жаҳон миқёсидаги ўрни: олимлар, анжуманлар, тадқиқотлар.

Ўзбек мусиқали театри

Ўзбекистонда XX аср мобайнида шаклланиб, муайян ўзигагина хослик (феномен)ни жанран бадиийлаштиришга эришган ўзбек мусиқали драмаси ва комедияси, яқин ва узоқ хорижга «дарча» очишга муяссар бўлган миллий опера («Майсаранинг иши») намуналари, маҳаллий мавзуларда яратилган етук («Раққоса», «Тановар», «Афсоналар водийсида» каби) балетлар. Мазкур жанрлар мажмуидан иборат – ўзбек мусиқали театри тушунчаси, унинг соф миллий ва хорижийзамин хусусиятлари. 1960 йиллардан бошлаб ва айниқса мустақиллик йиллари юзага келган телебалет («Сухайл ва Меҳри» - «Тирилган миниатюралар», «Улуғбек буржи», «Нодира», «Мозийдан нур») ва телеопера («Дилором», «Бухорои шариф» сингари)лар. Айрим бастакор (К.Жабборов, Ф.Содиқов, сўнгги йилларда Ў.Расулов, А.Ғаниев, А.Эргашев ва б.)лар ижодида ўрин олаётган теленовелла, телефильмлардаги мусиқали театрга хос унсурлар. Мумтоз адабиёт («Алишер Навоий», «Бобур», «Лайли ва Мажнун», «Ўтган кунлар», «Кундузсиз кечалар», Меҳробдан чаён), замонавий мавзулардаги («Кўнгил кўчалари», «Домла», «Чархпалак», «Шайтанат») видеофилмларидаги мусиқа.Ўзбек мусиқали драмаси ва комедияси, опера ҳамда балет жанрларидаги сўнгги ўзгаришлар, истиқболли йўналишлар.

Ўзбек симфонизми

Ўзбек куйлари симфоник оркестр талқинида янграшига 105 йил тўлганлиги – Н.Кленовский қайта ишлаган «Қарайберсам, кўринмайди» (Петербург, 1894) кўшиғи. XX аср биринчи ярмидаги этнографизм, ориентализм ва ўзбек мусика мероси намуналарига услубий тақлидлардан – аср иккинчи ярмида асл симфонизмга мансуб илк (Икром Акабаров. «Шоир хотирасига», 1954) партитураларга кўчиш.

1950-80 йиллар мобайнида мустақил (муаллифлик) мавзу ва буларнинг ҳақиқатан симфоник ривожловини ўзлаштириш – И.Ақбаров, Р.Ҳамроев, Т.Қурбонов партитуралари. Икки жанр – камер ва катта оркестр учун симфония ҳамда турли таркибдаги ижрочи (оркестр, созлар ва оркестр, овоз ва оркестр, ўзбек созлари ва оркестр каби)лар учун концерт асосий ўрин олиши. Иккала жанрга катта ёш (Б.Зейдман, Б.Гиенко, И.Ақбаров), ўрта бўғин (Т.Қурбонов, Ф.Янов-Яновский, Р.Ҳамроев, С.Жалил, Р.Вильданов) ва ўшанда навқирон авлод (Н.Зокиров, М.Тожиев, М.Маҳмудов каби) вакилларининг мойиллиги.

Том маънодаги, наинки европача, балки шарқона – хусусан ўзбекона мусиқий ифодаларга асосланган симфонизм шаклланишида мазкур муаллифлар қаторидан айниқса И.Ақбаров (скрипка ва оркестр, камер оркестр учун концертлар, «Самарқанд ҳақида симфоник ҳикоялар», «Симфония-эпитафия», «Симфония-поэма», альт ва камер оркестр, виолончель ва катта симфоник оркестр учун концертлар), М.Тожиев (19 симфония), М.Маҳмудов (3 симфония, камер оркестр учун концерт, «Мухаммас ва уфор» туркуми, қатор поэмалар), сўнгги даврда Н.Ғиёсов (турли таркибдаги мақом-концертлар, 12 симфония)ларнинг ҳиссалари каттадир. Бу симфонизмнинг ўзига хос томонлари. XX аср сўнгги чорагига тааллуқли энг замонавий услуб, ифода ва композиторлик техникаси воситаларидан унумли фойдаланиш, маҳаллий бастакорлик ижодига оид анъаналаридаги кўповозли тафаккур баёнига сингдира олиш.

Бастакорлик ижодиёти

Мазкур ижод турининг узок ўтмиш (тахминан VI аср 2 ярми)дан XX асргача босиб ўтган шаклланиш ва тараққиёт йўли. Бу жараёндаги етуклик (Сомонийлар, Амир Темур ва Темурийлар даври) ва инқирозлик паллалари. Ижодиёт соҳибларининг ҳозирги замондаги номланишлари: мулаҳҳин, бастакор, оҳангсоз, оқин, баҳши, ошуғ ва б. шўролаштиришнинг дастлабки ўн йилликларида бастакорлар – мусиқил (муаллиф тарзидаги) ижодкор сифатида тан олинмай, деярли бутун Марказий Осиёда «мелодиячи-композитор», «халқ-профессионал мусиқачи», кюйши-композитор», «онши-композитор» каби «тўқима» ибораларда тамғаландилар. Шунга қарамай, аксарият бастакорларнинг ўзи, замон зайли билан иш тутиб, муайян ашула, кўшиқ ва чолғу куйлар яратиш қатори, Ўзбекистонда шаклланаётган романс (Т.Жалиловнинг Пушкин шеърисига «Бағишлов»)и, оратория ва симфония (К.Жабборов, С.Калонов), мусиқали драма (Т.Жалилов, Ю.Ражабий, Н.Ҳасанов, К.Жабборов, Ф.Содиқов, Ғ.Тошматов) ва ҳатто опера (Т.Жалилов, Ю.Ражабий) жанрлари ривожига уллуш қўшишган.1970-80 йиллардан ижод қила бошлаган янги авлод бастакорлари: А.Исмоилов, Ў.Расулов, Ш.Мирзаев, Т.Отабоев ва б.Ҳозирги замон Ўзбекистон бастакорлик ижодиётининг ўзига хос услубий, шаклий ва жанрий тамойиллари.

Ўзбекистон мусиқашунослиги

Мусиқа, унинг назарий, тарихий, эстетик, этик ва фалсафий масалаларини теран тадқиқ этиш анъаналарининг бойлиги. Турли мазмун ва йўналишдаги умумамалий ва махсус мусиқа рисоаларининг хронологик қамрови кенглиги.

Мазкур мерос ва XX аср биринчи чорагидаги мусиқага оид мақолалар, илк китоблар орасидаги узвий боғлиқлик. Бунда Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Ғулом Зафарий, Матюсуф Харратов, Мулла Бекжон Раҳмон ўғлининг хизматлари.

1930-50 йилларда ўтмиш ва замонавий ўзбек музикасини ўрганилиши.
1960-70 йиллардагина Исҳоқ Ражабов, Файзулла Кароматов, Аҳмад
Жабборов ижоди.Замонавий музикашунослардан Р.Абдуллаев,
О.Матёқубов, Р.Юнусов, А.Назаров, О.Иброҳимовларнинг йирик
тадқиқотлари, маҳаллий ҳамда хориж матбуотидаги мақолалари.

АДАБИЁТЛАР

1. Азимова А.Н., Ибрагимова Ш.Э. Замонавий гармония. Т., 2008
2. Бершадская Т. Лекции по гармонии. Л.,1985.
3. Дьячкова Л. Гармония в музыке XX века. М., 1988.
4. Холопов Ю. Гармония. Теоретический курс. М., 1988.
5. Мальмберг И.С., Хасанов А.Т. Модальность в курсе преподавания гармонии и ее претворения на основе узбекской монодии. Т., 2007
6. Глинский В. Хрестоматия по полифоническому анализу. Т.,2004.
7. Мухтарова Ф.Ш. Polifoniya. Т., 2009
8. Кузнецов И. Теоретические основы полифонии XX века. М., 1994
9. Гончаренко С. Музыкальные формы XX века. Методическая разработка. Новосибирск,1989.
- 10.Кац Ю.В. Музыкальные формы и жанры XX века. Эл.версия. Петрозаводск, 2011
- 11.Лобанова М. Музыкальный стиль и жанр. \ История и современность. М., 1990.
- 12.Холопова В.Н. Формы музыкальных произведений. СПб., 2001
- 13.Габитова А. Минимализм в музыке. Т., 2007
- 14.Еолян И. Традиционная музыка Арабского Востока. М., 1990.
- 15.Герцман Е. Тайны истории древней музыки. СПб., 2004.
- 16.Петрусёва Н. Пьер Булез. Эстетика и техника композиции. М.-СПб., 2002.
- 17.Постмодернизм. Минск, 2001.
- 18.Пространственная музыка: история, теория, практика. Казань, 2004.
- 19.Музыкальный театр XX века: события, проблемы, итоги, перспективы. М., 2004.
- 20.Актуальные проблемы изучения музыкальных культур стран Азии и Африки / Материалы конференции. Т., 1983.
- 21.Арановский М.М. «Музыкальный текст». Структура и свойства. М., 1998.

- 22.Зарипов Р. «Проблемы применения ЭВМ в музыкальной практике»/ ЭВМ и проблемы музыкальной науки. Сб. трудов , Вып 7. Новосибирск, 1988.
- 23.Ражабов И. Мақом асослари. Т., 1992.
- 24.Ражабов И. Мақомлар. Т., 2007.
- 25.Юнусов Р. Макомы и мугамы. Т., 1992.
- 26.Хошимов А. Уйғур анъанавий касбий мусиқаси. Т., 2002.
- 27.Ражабов И. Мақомлар. Т., 2007 й.
- 28.А.Жабборов. Мусиқали драма ва комедия жанрлари Ўзбекистон композиторларининг ижодиётида. Т., 2000.
- 29.Матёқубов О. «Мақомот». Т., «Мусиқа», 2004.
- 30.Аҳмедов М. Аҳмедова-Олимбоева К. “Ўзбек халқ созандалари”. I-2 китоб. Т., 1959, 1974.
- 31.Т.Соломонова, Р.Абдуллаев. Ўзбек мусиқаси тарихидан хрестоматия. Т., 1983.
- 32.Ўзбек мусиқаси тарихи. Т., 1981.
- 33.История музыки народов Средней Азии и Казахстана. М., 1994.
- 34.История узбекской сов.музыки. 1-3 томлар. Т., 1972, 1973, 1990.
- 35.Ян Пеккер. Узбекская опера. М., 1984.
- 36.История узбекской сов.музыки. 1-3 тт. Т., 1973-1990.
- 37.История узбекской музыки. М., 1979.
- 38.Музыкальная эстетика стран Востока. М., 1967.
- 39.Матёқубов О. “Оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа асосларига кириш”. Т., “Ўқитувчи”, 1983.
- 40.Мусиқий асарлар бўйича дискография.
- 41.Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. “Хоразм мусиқий тарихчаси”. М., 1925. (эски ўзбек ёзуви). II нашри, 1998.
- 42.Фитрат А. “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи”. Т., 1993.
- 43.Хабибуллаев А. Манбашунослик. Т., ТДШИ, 1995.Орипов З.Т. Шарқ мусиқий манбашунослиги (X-XI асрлар). Т., “Мусиқа”, 2008.